



ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЦИТРУС МЕВАЛАР ЕТИШТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАҲЛИЛИ

Ш.Ж. Қурбонов

Тошкент давлат иқтисодиёт
университети таянч доктаранти.

shqurbonov@mail.ru

Аннотация: мақолада лимончилик етиштирувчи хўжаликлар учун энг муҳим масалалар ечимлари, барча турдаги иссиқхоналарда ва фаолияти монографик ўрганилган барча лимон етиштирувчи субъектларда самарали ҳамда миқдор ва қиймат кўрсаткичлари, Қашқадарё вилояти аҳоли томорқаларида 1 сотих майдонда лимон етиштириш учун хандақ усулидаги иссиқхона ташкил этишга сарфланган ўртача харажатлар, Қашқадарё вилояти аҳоли томорқаларида 1 сотих майдонда лимон етиштириш учун плёнкали иссиқхона ташкил этишга сарфланган ўртача харажатлар, аҳоли томорқаларида хандақ усулидаги 1 сотихли иссиқхонада лимон етиштиришнинг ҳосилга ва даромадга кириш даври, иссиқхоналарда лимон кўчатлари юқори ҳосил бериш даври, Қашқадарё вилояти туманларида аҳоли томорқаларида лимон етиштириш бўйича 0,7 сотихли хандақ усулида иссиқхона ташкил этиш орқали даромадларини ошириш ва бандликни таъминлаш имкониятлари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалиги, лимончилик соҳаси, лимон етиштириш, лимон етиштирувчи субъектлар, хандақда қуриш харажатлари, хандақ қазиш, Темир конструкцияларини ясаш, меҳнат ҳақи харажатлари, полиэтилен плёнка, кўчат сарфи, ўғит сарфи, маҳаллий ўғит, минерал ўғит, кимёвий қураш харажатлари.



Кириш. Мамлакатимизда деҳқон ва соҳибкорларга яратиб берилётган кенг имкониятлар, қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган туб ислохотлар, нафақат, мева-сабзавотчиликни, балки, лимончиликни ҳам ривожлантиришга қаратилаётганлиги билан алоҳида аҳамият касб этмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида лимончилик соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида республикада инновацион асосида лимон етиштиришни комплекс ривожлантириш мақсадида “Лимон етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар” уюшмаси ташкил этилди. Ҳар қандай ишлаб чиқариш фаолиятини якуний натижаси юқори иқтисодий самарадорликка эришиш ҳисобланади. Юқоридаги бўлимларда таъкидлаб ўтилганидек, аграр ишлаб чиқаришнинг барча соҳалари ва тармоқлари учун иқтисодий самарадорликни аниқлашда умум қабул қилинган услубий ёндашувлар мавжуд.

Ишлаб чиқариш жараёнининг амалга оширишнинг махсус хусусиятига эга бўлган алоҳида тармоқларда эса иқтисодий самарадорликни аниқлашнинг технологик, табиий омилларнинг таъсири, экологик барқарорликни сақлаш талаблари каби ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Тадқиқотларимиз объекти ҳисобланган лимончилик етиштирувчи хўжаликлар учун энг муҳим масала йиллик самара олиш ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқариш жараёнидан тизимли равишда фойда олишни таъминлаш имконини берувчи меҳнатни ташкил этиш ҳолати ва технологияси билан бевосита боғлиқ.

Энг аввало, лимон етиштиришнинг иқтисодий самарадорлик даражасига, биринчи навбатда, иссиқхона қуриш, кўчат харид қилиш ҳамда лимон дарахтлари ҳосилга киргунгача агротехник тадбирларга сарф қилинган маблағлар билан боғлиқ инвестицион харажатлар катта таъсир этади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, барча турдаги иссиқхоналарда ва фаолияти монографик ўрганилган барча лимон етиштирувчи субъектларда самарали ҳамда миқдор ва қиймат кўрсаткичлари юқори даражада ҳисобланади. Жумладан,



Қашқадарё вилоятининг баъзи туманларида фаолият юритаётган 52 та лимон етиштирувчи аҳоли томорқаларида лимон етиштириш самарадорлиги ўрганилди.

Аҳоли томорқаларидаги лимон етиштиришга мўлжалланган иссиқхоналарнинг 82 фоизи хандақ усулидаги парниклар ва 18 фоизи иссиқхоналарни ташкил этади.

Методлар. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, лимон етиштириш учун хандақ усулидаги иссиқхона ташкил этиш харажатлари плёнкали иссиқхона ташкил этиш харажатларига нисбатан камида 2 баробар арзон ҳисобланади. Шунинг учун аҳоли томорқаларидаги иссиқхоналарнинг аксарият қисми хандақ усулида ташкил этилган. Шундай экан 1-жадвалда Қашқадарё вилояти аҳоли томорқаларида 1 сотих майдонда лимон етиштириш учун хандақ усулидаги иссиқхона ташкил этишга сарфланган ўртача харажатлар келтирилган.

1-жадвал

Қашқадарё вилояти аҳоли томорқаларида 1 сотих майдонда лимон етиштириш учун хандақ усулидаги иссиқхона ташкил этишга сарфланган ўртача харажатлар

№	Тадбирлар	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Жами харажатлар, минг сўм
1	Хандақда қуриш харажатлари			4 760
1.1.	Хандақ қазिश	метр.кв	100	1 800
1.2.	Темир конструкцияларини яшаш			2 960
	каркас ва ферма (арматура 14 мм)	метр	120	1 620
	сим (2 мм)	метр	360	540
	меҳнат ҳақи харажатлари			800
2	Полиэтилен плёнка (0,08 мм)	кг	10	250
4	Кўчат сарфи	дона	10	300
5	Ўғит сарфи			170
5.1.	маҳаллий ўғит	кг	640	160
5.2.	минерал ўғит	кг	1,5	10
6	Кимёвий кураш харажатлари			50
Жами харажатлар				5 530



Фаолияти ўрганилган аҳоли томорқаларида 2020 йилдаги нархлар бўйича 1 сотих майдонда лимон етиштириш учун хандақ усулидаги иссиқхона ташкил этишга ўртача 5,5-6,0 млн. сўм ва плёнкали иссиқхона қуришга 12,0-12,5 млн. сўм харажатлар сарфланади.

Хандақ усулидаги иссиқхоналарнинг арзонлигига асосий сабаб бу уларда иситиш тизими қурилмаслигидир. Плёнкали иссиқхоналар қуришга сарфданган харажатларнинг 5 млн. 683 минг сўми ёки 45,8 фоизи иситиш тизими учун сарфланади.

Лимон кўчатлари хандақларда ўстирилганда битта дарахтдан тўлиқ ҳосилга киргач ўртача 200-250 тагача мева олинса, иссиқхоналарда эса кучли ривожланган дарахтдан 400-500 тагача лимон меваси олиш мумкин.

Маълумки, аҳоли томорқаларида лимон етиштириш учун хандақли иссиқхона ташкил этишга “Ҳар бир оила тадбиркор” дастури доирасида тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. 2-жадвалда

Қашқадарё вилояти аҳоли томорқаларида 1 сотих майдонда лимон етиштириш учун плёнкали иссиқхона ташкил этишга сарфланган ўртача харажатлар келтирилган.

2-жадвалда

Қашқадарё вилояти аҳоли томорқаларида 1 сотих майдонда лимон етиштириш учун плёнкали иссиқхона* ташкил этишга сарфланган ўртача харажатлар

№	Тадбирлар	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Жами харажатлар, минг сўм
1	Иссиқхона қуриш харажатлари			11893
1.1.	Темир конструкцияларини ясаш			5210
	устунлар (угольник 50мм)	метр	90	2250
	каркас ва ферма (арматура 14 мм)	метр	120	1620
	сим (2 мм)	метр	360	540



	меҳнат харажатлари			800
1.2.	Иситиш тизими яшаш			5 683
	қозонхона			1500
	иситиш қувурлари (57 мм)	метр	140	3500
	иситиш қувурлари (25 мм)	метр	15	183
	меҳнат харажатлари			500
1.3.	Полиэтилен плёнка (0,08 мм)	кг	40	1000
4	Кўчат сарфи	дона	10	300
5	Ўғит сарфи			170
5.1.	маҳаллий ўғит	кг	640	160
5.2.	минерал ўғит	кг	1,8	10
6	Кимёвий кураш харажатлари			50
Жами харажатлар				12413

Маълумки, янги ташкил этилган лимонзорлар 2-йилдан бошлаб ҳосил нишонасини ва 5-йилга борганда юқори ҳосил бера бошлайди. Шу сабабли, лимончиликни ташкил қилиш, бунинг учун зарурий кўчат материаллари, иссиқхона қуриш учун зарурий материаллар сотиб олишга сарфланган маблағни ёқиолинган кредитни лимон кўчати ҳосилга киргандан кейингина қайтариш имконияти пайдо бўлади.

Шуни ҳисобга олган ҳолда аҳоли томорқаларида лимон дарахтлари қатор орасида дастлабки 2 йил давомида қўшимча экин сифатида саримсоқ пиёз етиштириш, иссиқхоналардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини янада юқори бўлишини таъминлайди 3-жадвалда аҳоли томорқаларида хандақ усулидаги 1 сотихли иссиқхонада лимон етиштиришнинг ҳосилга ва даромадга кириш даври келтирилган.

3-жадвал

Аҳоли томорқаларида хандақ усулидаги 1 сотихли иссиқхонада лимон етиштиришнинг ҳосилга ва даромадга кириш даври



№	Тадбирлар	Ўлчов бирлиги	1- йил	2-йил	3-йил	4-йил	5-йил
1	Сарфланадиган ўртача харажат, шундан:	минг сўм	5 600	300	200	200	200
	- иссиқхона қуриш учун	минг сўм	5000	х	х	Х	х
	- лимон кўчати учун(10 дона)	минг сўм	300	х	х	Х	х
	-саримсоқ пиёз экишга (10 кг)	минг сўм	100	100			
	- агротехник тадбирлар учун	минг сўм	200	200	200	200	200
2	1 туп лимон дарахти ҳосилдорлиги	кг	Х	3,0-3,5	15-20	30-35	45-50
3	Ялпи ҳосил	кг	200	230	200	330	475
	- саримсоқпиёз	кг	200	200	х	Х	х
	- лимон	кг	Х	30	170	330	475
4	Ялпи даромад	минг сўм	3 000	3 500	3 500	6 600	9 500
5	Лимонзор ташкил этишга сарфланган инвестицион харажатларни йилларга тақсимоти (жорий харажатлар биргаликда)	минг сўм	3120	2820	200	200	200
6	Фойда	минг сўм	-120	700	3 300	6400	9300
7	Инвестицион харажатларни қопланиши (жорий харажатлар бирга)	%	50,0	61,4	1,75 марта	3,3 марта	4,75 марта

Натижалар. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, лимон етиштириш бўйича иссиқхоналардан фойдаланишда лимон қатор ораларига сабзаёт экинларини экиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш юқори даражада рентабелликка эришишини



таъминлайди. Ушбу усулда маҳсулот етиштиришни ташкил этган хўжаликлар маҳсулот сотишдан барқарор даромад олиш ҳамда иссиқхоналардан самарали фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Бу, бир томондан, лимон ва саримсоқпиёзга бўлган аҳоли талабини юқорилиги билан, иккинчи тарафдан, ушбу маҳсулотлар экспортбоплиги билан изоҳланади.

Шундан қилиб, лимон етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги таҳлили ушбу тармоқнинг юқори даромадли эканлигини ҳамда кенгайтириган такрор ишлаб чиқариш жараёнини фаол олиб бориш имконияти мавжудлигини кўрсатмоқда. Таҳлилларга кўра, вилоятда 14 та туман ва 2 та шаҳарда 864 та маҳаллалардаги 558,5 минг та томорқа ер эгаларининг 288,2 минг тасида ёки 51,6 фоизда ўртача 10 туп лимон экиб, маҳсулот етиштириш учун 1 сотих майдонда иссиқхона ташкил этишга талаб мавжуд (4-жадвал).

Ушбу аҳоли томорқаларида жами 2017 гектарда хандақ усулида иссиқхона ташкил этиш учун 1 297, 4 млрд. сўм, 2881,8 минг дона кўчат харид қилиш учун эса 86,5 млрд. сўм маблағ талаб этилади. Шунингдек, кўчат қатор орасига саримсоқпиёз экиш учун 5187 тонна уруғлик ва 72,6 млрд. сўм маблағ жами бўлиб биринчи йилда 1456,4 млрд. сўм маблағ талаб этилади.

Ушбу иссиқхоналарда лимон кўчатлари юқори ҳосил бериш бошлаган давр яъни 5-йилдан 129 минг тонна ҳосил етиштириш ва 32,4 минг тоннасини ёки камида 25 фоизини экспортга чиқариш ҳамда 1945 млрд. сўм шундан экспорт ҳисобидан 48,6 млн. АҚШ доллари даромад олиш имконияти мавжуд.

4-жадвал

Қашқадарё вилояти туманларида аҳоли томорқаларида лимон етиштириш бўйича 0,7 сотихли хандақ усулида иссиқхона ташкил этиш орқали даромадларини ошириш ва бандликни таъминлаш имкониятлари



“NAZARIY VA AMALIY FANLARDAGI USTUVOR ISLOHOTLAR VA ZAMONAVIY TA'LIMNING INNOVATSION YO'NALISHLARI”

Туманлар номи	Маҳаллалар сони	Жами томорқа ер эгалари сони, (минг онадон)	(0,7 сотих) ташкил этувчи томорқа ер эгалари	Хандак иссиқхона қуриладиган майдон (гектар)	Хандак иссиқхона қуришхаражати(млрд. сўм)	Лимон кўчати		Лимон кўчати катор орасига саримсоқ-пиёз экиш		Жами харажат (млрд. сўм)	Етиштириладиган лимон, минг тонна (5-йилда)	шундан, экспортга минг тонна	Жами даромад, млрд. сўм	шундан, экспортдан тушум млн. АҚШ доллари
						сони (минг)	харажат (млрд.)	уруғи (тн)	харажат (млрд.)					
Дехқонобод	77	53,7	24,3	170	109,4	243,0	7,3	437,0	6,1	122,8	10,9	2,7	164,0	4,1
Миришкдор	71	58,2	16,3	114	73,4	163,0	4,9	293,0	4,1	82,4	7,3	1,8	110,0	2,8
Чирокчи	66	36,8	25,1	176	113,0	251,0	7,5	452,0	6,3	126,8	11,3	2,8	169,4	4,2
Муборак	37	25,9	24,1	169	108,5	241,0	7,2	434,0	6,1	121,8	10,8	2,7	162,7	4,1
Қамаши	25	15,2	15,6	109	70,2	156,0	4,7	281,0	3,9	78,8	7,0	1,8	105,3	2,6
Китоб	21	11,9	10,1	71	45,5	101,0	3,0	182,0	2,5	51,0	4,5	1,1	68,2	1,7
Шахрисабз	67	34,8	22,9	160	103,1	229,0	6,9	412,0	5,8	115,8	10,3	2,6	154,6	3,9
Нишон	63	34,6	19,4	136	87,3	194,0	5,8	349,0	4,9	98,0	8,7	2,2	131,0	3,3
Қарши	63	42,6	24,8	173	111,4	247,5	7,4	445,5	6,3	125,1	11,1	2,8	167,1	4,2
Ғуздор	41	35,9	20,5	143	92,2	204,9	6,1	368,9	5,2	103,6	9,2	2,3	138,3	3,5
Вилоят бўйича жами	864	558,5	288,2	2017	1297,4	2881,8	86,5	5187,1	72,6	1456,4	129,7	32,4	1945,2	48,6



Мунозара. Янги узилган лимонни сифатини бузмай маълум муддат совутгичли омборхоналарда сақлаб, кейинчалик бозорга чиқариш ҳам катта фойда келтиради. Шу билан биргаликда, бугунги кунда лимоннинг жаҳон бозори талабларига тўла жавоб берадиган қайта ишланган маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун замонавий юқори технологияли ускуналардан кенг фойдаланиш лозим. Жаҳон стандартларига тўла жавоб берадиган қайта ишланган маҳсулот ташқи бозорда катта фойда келтиради. Бундан ташқари, Ўзбекистон шароитида ишчи кучи арзонлиги сабабли, етиштириладиган лимон хом ашёсини таннархи нисбатан паст бўлади. Шу сабабли, лимонни қайта ишлаш соҳаси маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун ўзига жалб қилувчи соҳа ҳисобланади.

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда иссиқхоналарда лимон етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини янада ошириш бўйича қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ Ушбу механизм лимон етиштириш учун катта ҳажмдаги ер майдонлари ажратилмаётган бугунги шароитда кооперациялар ташкил этиш орқали томорқа ер майдонларида хандақ усулида иссиқхоналар ташкил этиб, лимон етиштиришни молиялаштиришни, моддий ресурслар етказиб беришни, хизматлар кўрсатишни ва етиштирилган маҳсулотни ички ва ташқи бозорга етказиб беришни камраб олади. Таклиф этлаётган юқоридаги тадбирларни амалиётга жорий этилиши лимон етиштириш тармоғини иқтисодий самарадорлигини кўтарибгина қолмасдан, энг асосий ижтимоий масала ва макроиқтисодий муаммо ҳисобланган қишлоқ жойлардаги темир дафтар, аёллар дафтари ва ёшлар дафтаридаги фуқароларни иш билан банд қилиш, ишсизлик даражасини қисқартириш ҳамда мамлакат аҳолисининг соғлом бўлишига замин яратувчи озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш турмуш даражаси сифатини ошириш имконини беради.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ш.М. Мирзиёев. 2018 йил 6 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида лимончилик соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
2. Ралдугина С.Н., Кулян Р.В. Краткий обзор производства плодов мандариновой группы (мандарин, танжерин, клементин) в некоторых странах мира. Субтропическое и декоративное садоводство. 20 ст.
3. В.М.Горшков, А.В.Рындин. Специфика природных условий и особенности цитрусоводства в субтропиках России.
4. Г.Ш.Калиакпарова. Тенденции развития цитрусоводства в республике Казахстан. Проблемы агрорынка, № 4, 2021.
5. Mr. Liu Xinlu. The Past, Present, and Future of China's Citrus Industry. Цитрус мевали ўсимликлар етиштириш. “Агробанк” АТБ – 2021.